

## **ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

8«11»2022 yil.

**385-6-89-ОВ/2022-son**

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Чуст туман ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошқарма бошлиғи Р.Рўзимбоев биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритиладиган «Маржона Шахноза» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона директори Б.Файзуллаев, мазкур шартномани қуидагича тушиб имзоладилар.

### **I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа- смета хужжатларига мувофиқ «Объект»да Чуст тумани Бозорбоши МФЙ Балиқли булоқ кўчасини (980 метр.ни) жорий таъмирлаш ишларни бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га ишларни бажариш учун зарур бўлган шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

2.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунига асосан асосан «Пудратчи» томонидан объектда бажариладиган қурилиш монтаж ишлари юзасидан аниқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 391 325 647 (Уч юз тўқсан бир миллион уч юз йигирма беш минг олти юз қирқ етти ) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1. бандида кўрсатиб ўтилган ишларнинг қиймати якуний деб ҳисобланади ва қайта кўриб чикилмайди, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

### **III. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- «Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактингчалик бинолардан бўшатиш;

- Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини ўзгартирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажариш;

- «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- Ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **IV. «БЮОРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

4.1. «Объект»да қурилиш-монтаж ишлари бўйича ишлаб чикилиб тегишли равища тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи»га тақдим қилиш;

4.2. Шартномага асосан бажариладиган ишларни тўла ҳажмда бажарилиши ва сифати устидан доимий техник назоратини амалга ошириш;

4.3. Шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,

4.4. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

4.5. «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;

4.6. «Пудратчи» томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида олиб борилмаган, сифатсиз ҳамда тўла ҳажмда бажарилмаган ишларни узининг ҳисобидан кайтадан бажарилишини таъминлаш;

4.7. «Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш ва мазкур шартномада назарда тутилган

мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## **V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

5.1. «Пудратчи» мазкур шартноманинг биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш муддатлари «Ишларни бажариш жадвали»да белгилаб қўйилган муддатларда бажарилиши шарт.

## **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

6.1. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштириш 2022 йилнинг ноябр ойида амалга оширилади.

6.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади,

6.3. Жорий ойма-ой молиялаштириш амалда бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қолган тўлов хам амалга оширилади.

6.4. «Пудратчи»нинг ишончли вакили бажарилган ишларни молиялаштириш мақсадида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб варафи (Ф-3)ни нуқсонларсиз, ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда «Буюртмачи» томонидан тайилланган техник назоратчи иштироқида «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб бўлимига тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш учун тақдим этади.

6.5. Томонларни ўзаро ҳисоб-китобларни узил-кесил ҳал этиш учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишларни қабул қилиб олиш далолатномасини молия йили декабр ойининг 5 чи кунига қадар тақдим этиши шарт.

## **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

7.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

7.3. «Пудратчи» техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги йўл қурилиши ишларини назорат қилиш инспекцияси томонидан бажарилаётган ишларни назорат қилиб борилади.

7.5. «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаришни 2022 йилнинг ноябр ойи давомида тўлиқ амалга оширади.

7.6. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси хисобланади.

7.7. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

### VIII. ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

8.1. Объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек Объектларни қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

8.2. Объектни қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси «Буюртмачи» томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

8.3. «Пудратчи» тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

8.4. Объектни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

8.5. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши назорат органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

8.6. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объективнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

### IX. КАФОЛАТЛАР

#### 9.1. «Пудратчи»:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда мұхандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.2. Объектда бажарилған ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган Объектни қабул қилиб олиш түгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 24 ой этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

9.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

9.5. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар күрсатилған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

10.2. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

10.3. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилған ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. «Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматинин 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

10.5. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.6. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» «Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

10.7. «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни «Буюртмачи»га тўлайди.

10.8. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

10.9. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

11.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, ёки шартноманинг бажариш муддати мобайнида янги конун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

11.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тускинлик килувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида, томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

11.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

11.4. Агар енги бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

11.5. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 12.1. «Буюртмачи»:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

### 12.2. «Пудратчи»:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу ҳақда қонун хужжатларидаги белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар қийматини «Пудратчи»га тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар келиб чиқсан холда, томонлар конунга кўра уларни судгача хал этиш юзасидан мустакил равишда тегишли чоралар кўрадилар.

13.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган такдирда, ушбу масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктиносидий суд томонидан кўриб чикилади.

### XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейи, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. «Пудратчи» курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эта бўлмайди.

14.3. Шартномага ишлар ҳажмининг қўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ишлар ҳажмининг қўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши фактат конун ҳужжатларида курсатилган холатлар ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

14.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, мазкур шартномага киритиладиган ўзгартиришлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонларидан шартномага қўшимча келишув битами оркали расмийлаштирилади.

14.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади,

14.6. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган лиги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

14.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча доллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

14.8. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва Ғазначилик идораларидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва хақиқий ҳисобланади.

14.9. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача деб белгиланди.

Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

#### XV. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

“Пудратчи”

Маржона Шахноза МЧЖ

Манзил: Чуст шаҳар Дехқонобод МФЙ  
Охунбаев кўча

Тел./факс 69-42-10-777

X/p: 20208000900229613001

Банк номи: Ҳамкор банк Чуст филиали

МФО: 01160 СТИР: 302627886



Б.Файзуллаев

“Буюртмачи”

Чуст туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Чуст шаҳри, Чустий кўчаси

Ш.х.в: 401722860142377045204110002

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри  
Б.Б КХКМ

МФО 00014, ОКНХ 90211

СТИР: 200068241

Молия вазирлиги ғазначилиги

x/p 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри Б.Б КХКМ

СТИР 201122919 МФО 00014



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR  
Code** ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	RAVSHANJON RO‘ZIMBOYEV SHOKIRJONOVICH
Imzolangan sana	08.11.2022 14:40
Hujjat kodi	PM2121802514
Hulosa kodi	RL5185555170

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY**

**XULOSA**

**PM2121802514**

**RL5185555170**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **pudrat shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Chust tumani Obodonlashtirish bo'limi tomonidan 08.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Chust tumani yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:



**G.Z.JURAYEVA**

08.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору на лучшего предложения лот № 168654 на приобретение Чуст туман Бозорбоши МФЙ Баликли булоқ күчасини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 03.11.2022

Время рассмотрения 03.11.2022 13:14

Закупочная комиссия Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	RO'ZIMBOYEV RAVSHANJON SHOKIRJONOVICH	Рахбар	Чуст туман Ободонлаштириш Бошкармаси
Секретарь комиссии	AXMEDOV MUXIDDIN MUYDINJONOVICH	Бошкадар мутахасиси	Ободонлаштириш
Член комиссии	ERGASHEVA MUXABBAT Ruzaliyevna	Мухандис	Ободонлаштириш
Член комиссии	MADALIYEV TULQINJON ERKINOVICH	тех назор	ободонлаштириш
Член комиссии	BOTIROV TOXIRJON TOJUYEVICH	Иктисадчи	ободонлаштириш
Член комиссии	PULATOV BAXROM RASULDJONOVICH	иктисодчи	юл буйича

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по огубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.11.2022 года № лота 168654.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. техникс-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	42.11.20.000-00010 Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог Бозорбоши МФЙ Баликли булоқ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	393 999 982.00
Стартовая сумма	393 999 982.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Тендердаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Тендердаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM	15	15	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
CITY						
ДУСТЛИК МЧЖ	15	Тендерга ухшаш обектлардаги тажриба мавжуд	15	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	15	391325647	15	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	15	15	15	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	10	10	10	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	10	Умумий маълумот	1	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	10	391325647	10	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №3 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	10	10	10	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	10	инсофсиз ижрочилар ягона реестрида кайд этилмаган	10	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	10	391325647	10	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №4 молиявий натижалар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: молиявий натижалар тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	6	6	4	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	6	молиявий натижалар тугрисида маълумот	1	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	6	391325647	6	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL МЧЖ	6	6	6	Экспертная		

Критерий №5 Объектда қурилиш монтаж ишларини бажариш жараёнида ишларни умумий жадвали ва кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектда қурилиш монтаж ишларини бажариш жараёнида ишларни умумий жадвали ва кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	5	5	2.5	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	5	кафолат хати	5	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	5	391325647	5	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL МЧЖ	5	5	5	Экспертная		

Критерий №6 Шартномани бажариш учун зарур техника

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартномани бажариш учун зарур техника

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	20	20	20	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	20	техникалар мавжуд	1	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	20	391325647	20	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL МЧЖ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №7 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	10	10	10	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	10	Узига нисбатан банкротлик мавжуд эмас	10	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	10	391325647	10	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №8 Солиқлар ва йиғимларни тूлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тूлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	5	5	5	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	5	карздорлик мавжуд эмас	1	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	5	391325647	5	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	5	5	5	Экспертная		

Критерий №9 Айланма маблағлари тўғрисида банк маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Айланма маблағлари тўғрисида банк маълумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	10	10	1	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	10	Банк малумотномаси тақдим этилмоқда	1	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	10	391325647	10	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	10	10	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЧЖ						

Критерий №10 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО IDEAL NAM CITY	9	9	1	Экспертная		
ДУСТЛИК МЧЖ	9	майдон ходимимиз томонидан урганилган	1	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	9	391325647	9	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	9	9	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	393 999 982.00	391 325 647.00 UZS	391 325 647.00	00.00	391 325 647.00	01.11.2022 12:22:35	9.96612
ООО IDEAL NAM CITY	393 999 982.00	390 000 000.00 UZS	390 000 000.00	00.00	390 000 000.00	31.10.2022 18:48:49	10
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	393 999 982.00	392 668 930.00 UZS	392 668 930.00	00.00	392 668 930.00	01.11.2022 13:33:10	9.93203

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ДУСТЛИК МЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
MARJONA SHAHNOZA МЧЖ	90	9.96612	99.96612
ООО IDEAL NAM CITY	70.65	10	80.65
NAMAN MAXSU IHSOOT QURIL МЧЖ	90	9.93203	99.93203

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 168654 от 03.11.2022 года на приобретение Чуст туман Бозорбоши МФЙ Балиқли булоқ құчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

MARJONA SHAHNOZA МЧЖ  
302627886

и резервный исполнитель: NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL МЧЖ (302585584)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	RO'ZIMBOYEV RAVSHANJON SHOKIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEVA MUXABBAT RUZALIYEVNA	Согласен	
Член комиссии	MADALIYEV TULQINJON ERKINOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOTIROV TOXIRJON TOLIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	PULATOV BAXROM RASULDJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП